

Бундан кейин «Оператор» деб номланувчи телекоммуникация оператори (ваколатли шахс) Ўзбектелеком томонидан берилган лицензия ва Низом асосида фаолият кўрсатувчи ж. Шаронов

(раҳбарнинг мансаби, исм-фамилияси)
тимсолида бир томондан,

Юридик шахс,
Бюджетдан маблаг олувчи ташкилот номи: Когон туман Тиббиёт бирлашмаси
Манзили: Когон шаҳар Дустлик 50уй
Раҳбар, Ф.И.Ш. Ф.К.Ачилов

ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Оператор телефон алоқасининг универсал (асосий) ва қўшимча хизматларини кўрсатиш, Абонет эса мазкур хизматлардан фойдаланиш, ҳамда хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.1. Абонент тоифаси - бюджет

1.2. Абонент 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағлари ҳисобидан интернет хизматлари учун ажратилган маблағлар доирасида куйидаги график асосида ҳақ тулашни уз зимасига олади Жумладан:

(сумда)

Йил	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Жами бир йилда
2022 Бюджетдан ажратилган маблағлари ҳисобидан	7500000				7500000
Жами:	7500000				7500000

Жами: 2022 йил учун 7500000 (Етти миллион беш юз минг) сум.

2. ОПЕРАТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Операторнинг мажбуриятлари:

2.1.1. Белгиланган сифат даражасида интернет хизматларини ўз вақтида кўрсатиш.

2.1.2. Оммавий ахборот воситаларида, Интернет, аҳоли гавжум жойларда, эълонлар бериш ёрдамида корхона фаолияти, янги АТС ларни ишга тушириш, янги хизмат турлари, телекоммуникация хизматлари учун белгиланган тарифларнинг ўзгариши ва бу хизматларни кўрсатиш тартиблари ҳақида хабар бериш.

2.1.3. Универсал хизматларга тарифлар ўзгарганлигини камида 15 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

2.1.4. Абонентнинг айбисиз телефон алоқаси бузилганда абонент томонидан таъмирлаш бюросига талабнома тушган вақтдан бошлаб абонент ускунаси ишламаган кунлар учун абонент тўловларини қайта ҳисоблаб чиқиш. Қайта ҳисоб-китоблар маълумот рўйхатта олинган кундан эътиборан соат 00.00 дан бошлаб тўлиқ суткалар учун амалга оширилади. Техник сабабларга кўра абонент рақамининг ўзгаришини камида 10 кун олдин абонентга ёзма равишда маълум қилиш. Ўрнатилган тартибда маҳаллий телефон сўзлашувлари тўғрисидаги маълумот-расшифровка (детализация)ни қўшимча тўлов эвазига Абонентга бериш.

2.1.5. Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматлар (телефакс, телекс, ведеотеке ва ҳоказолар)нинг охириги ускуналарини шартномага қўшимча киритган ҳолда (8-бўлимга бинвоан) рўйхатдан ўтказиш.

2.1.6. Оператор, шунингдек, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қондалари»да белгилаб берилган бошқа бир қатор мажбуриятларга ҳам эга (бундан кейин матнда «Қондалар»).

Оператор кўрсатишган хизматлар ҳисоб-варақ фактураларини ҳар ойда бюджет ташкилотига тақдим этиб бориш мажбуриятини олади.

2.1.7. Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейин 2 ой давомида интернет хизматлари учун тўловни амалга оширмаса ёки 3.1.7.-бандларини бузишга йўл қўйса, ушбу шартнома бир томонлама бекор қилинади.

2.1.8. Оператор «Қондалар»да белгилаб берилган бошқа бир қатор ҳуқуқларга ҳам эга.

Операторнинг ҳуқуқлари:

2.2. Оператор абонент линияларига тегишли сертификати бўлмаган ускуналар (телефон аппаратлари, телематик хизмат ускуналари, ахборот узатгичлар, радиотелефонлар, радиоузастиргич, ЦК, АОН ва бошқалар)ни ўчиртиришни операторнинг техник комиссияси томонидан далолатнома тузилгандан сўнг Абонентдан талаб қилиш.

2.2.3. Қуйидаги ҳолларда абонент ускунасини телефон тармоғига уланишини тўхтатиш:

- маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси учун 4.6., 4.6.1.-бандларга асосан алоқа хизматлари тўловлари тўланмаганда (бунда телефон алоқасини узиш ҳақида абонент камда 3 кун олдин телефон билан огоҳлантирилиши зарур);
- абонент томонидан охириги қурилмаларни ишлатиш кондалари бузилганда ва бунинг натижасида оператор коммутацион ускуналарининг нормал ишлашига ҳалакит берган ҳолларда;
- 2.2.4. Абонентнинг ушбу 52-4-81-59, 52-4-81-80 рақамлари шаҳар ичида интернет алоқасига уланган.

3. АБОНЕНТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Хар чорвада камда 1 марта Оператор билан ўзаро ҳисоб-китобларни аниқлаш мақсадида солиштириш далолатномаси тузиш.

3.2. Оператор ҳисобидаги ёки у томонидан таъмирланадиган Абонент фойдаланиладиган уй телефон симлари ва бошқа ускуналарни ишга яроқли ҳолатда сақлаш. Абонентга тегишли бўлган ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникация воситаларининг техник меъёрларга мувофиқ бўлишини таъминлаш.

3.3. Алоқа бузилишлари ҳақида телекоммуникация боғламасининг таъмирлаш бюросига ўз вақтида хабар бериш.

3.4. Қорқонанинг номи, реквизитлари ўзгарганда, хонани ижарага бериш бўйича, бир ой муддат ичида ёзма равишда, санасини кўрсатган ҳолда Операторга хабар қилиш ва амалдаги тарифлар бўйича тўловлар эвазига шарнома кайта расмийлаштириш ёки уни бекор қилиш. Ижара муддати тугаши билан ёки ижарага бериш бўйича шартнома бекор қилинадиган бўлса, телефон алоқаси хизматини кўрсатиш бўйича тузилган шартнома ижарага олувчидан ижарага берувчи бепул қайта расмийлаштирилиши мумкин. Ижарага берувчи ижара шартномасини бекор қила туриб, ижарага олувчининг Оператор олдидаги қарзларини узишнинг назорат қилиди ва қарзлар мавжуд бўлган тақдирда белгиланган тартибда жавобгар бўлиб ҳисобланади.

3.5. Абонентнинг алоқа «Қондалар»ни қай даражада бажараётганини ёки абонент буюртмасига асосан таъмирлаш учун келган Оператор ходимини (агар у расми ёки ёқилтирилган, қорқона муҳри босилган, амал қилиш муддати кўрсатилган сувоҳномага эга бўлса) бинога киришга рухсат этиш. Бунда Оператор ходимида бажариладиган ишлар наряди ҳам бўлиши зарур.

3.6. Абонент ускунасида пуллик хизмат кўрсатиш учун таксофон сифатида, Интернетга кириш ва ҳоказо мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Оператор томонидан ажратилган телефон рақамларидан телекоммуникация хизматларини кўрсатиш «Қондалар»га белгиланган тартибда амалга оширилади. Ушбу банд бузилган тақдирда Оператор Абонентнинг телекоммуникация тармоғига киришини оператор техник комиссияси томонидан далолатнома тузилиб, камчиликлар бартараф этилувигача қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Абонент томонидан маъмур ҳолатлар тақриридан шартнома бир томонлама бекор қилинади.

3.7. Фақат сертификатланган телефон аппаратлари ва бошқа ускуналардан абонент ускунаси сифатида фойдаланиш. Мувофиқлик сертификати бўлмаган, телефон рақамини автоматик аниқлаш ускунаси (АОН)дан фойдаланиш.

3.8. Абонент телефонларидан ва бошқа охириги қурилмаларидан амалга оширилган маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон сўзлашувлари учун тўловларни тўлик 4.3 – бандга асосан амалга ошириш.

3.9. Абонентлик қурилмасини ўзбошимчилик билан ўрнатиш ва параллел телефон аппаратлари ёки бошқа радио алоқаси, телематик хизматлар ва ахборот узатгичларига улаш таъқиқланади. Бу қурилмаларни улаш операторга маълум қилиниб, мувофиқлик сертификати эга бўлган амалга оширилади. Агар, Абонент томонидан ўзбошимчилик билан абонент линиясига уланган қурилманинг уланиш вақтини аниқлаш имконияти бўлмаса, абонент тўлови жорий йилнинг бошидан ҳисоблаб ўндирилади.

Радиотелефонлар ва бошқа радиоэлектрон воситалар (10 мВт қувватли симсет телефонлар бундан мустасно) абонент қурилмаси сифатида уланган тақдирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш Агентлиги ёки унинг ваколатли органидан бу қурилмалардан фойдаланишга рухсатнома олиниши зарур.

3.10. Телекоммуникация тармоқлари иш сифатини пасайтиришга ёки уларни шикастланишига қаратилган хатти-харакатларга йўл қўйилмаслиги зарур.

3.11. Абонент «Қондалар»да белгилаб берилган бошқа бир катор мажбуриятларга ҳам эга.

4. Хизматларга ҳақ тўлаш

4.1. Интернет алоқаси учун тўловлар:

- 100% олдиндан тўлов йўли билан амалга оширилади.

4.2. Олдиндан тўлов тарихидаги тўловлар камда 1 ой олдин, лекин 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун амалга оширилиши мумкин.

4.3. Телефон алоқаси хизматлари учун олдиндан тўланган тўлов суммаси операторнинг билдирган тизими томонидан қуйидаги кетма-кетликда тақсимланиб тўланади:

- абонентлик тўлови ва қўшимча хизмат турлари;
- ҳисоблагичлар;
- шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар.

Ушбу бандда кўрсатилган хизматларга тарифлар ошган тақдирда, улар бўйича ҳисоб-китоблар бунақ суммаси тугашига қадар амалда бўлган аввалги тарифлар бўйича амалга оширилади. (Агар бу хизматлар бўйича тўловлар универсал хизматларга тарифларнинг ўзгариши тўғрисида эълон берилишидан олдин амалга оширилган бўлса).

4.4. Маҳаллий сўзлашувлар (вақтбай асосида тўлов тизими жорий этилганда), шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасидан фойдаланишнинг учун тўлов ҳисоб вақтига асосан (ахборот узатиш ва телематик хизматлардан фойдаланилганлиги учун тўловлар ҳам шунга кирди), ҳисоб вақтида кўрсатилган санадан бошлаб 3 банк кўни ичида амалга оширилади.

4.5.1. Ҳисоб-китоб қилинган ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача абонент «Оператор»нинг абонентлар бўлимига кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун ҳисоб-вақат фактурасини олиш учун келиши керак, кўрсатилган муддатда келмаган тақдирда телефон ўрнатилган тартибда ўчириб қўйилади.

4.5.2. Абонент хоҳишига кўра оператор шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар бўйича маълумот (расшифровка)ни электрон вариант(файл ҳолати)да бериши мумкин.

4.5.3. Абонент шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар бўйича маълумотни такрорий сўраган ҳолларда ундан қўшимча равишда 300 сўм, агар электрон вариант(файл ҳолати)да бўлса 100 сўм (хар бир компьютер вақти учун) олинади. Маъмур тўловлар алоқа хизматлари тарифлари ўзгаришида қайта кўриб чиқилади.

4.6. Белгиланган муддатда алоқа хизматлари тўловлари тўланмаса, телефон ўчириб қўйилади, бунда оператор шартномани бекор қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунарига мувофиқ қарзларни ўндириб олиш ҳуқуқига эга.

Агар Абонент ҳисоб-китоб давридан кейинги 2 ой давомида телекоммуникация хизматлари учун, шу жумладан, телефон ўчириб қўйилган вақт учун қарзларини тўламаса, Оператор ва «Абонент» келишилган ҳолда шартномани бекор қилиш ва қарзларни ўрнатилган тартибда ўндириб олиш ҳуқуқига эга. Қайтадан телефон ёки бошқа охириги қурилмани ўрнатиш ариза берилиб тегишли тўловлар амалга оширилган амалга оширилади.

Ушбу шартноманинг 4.8-банди бўйича текширув ўтказилаётганда телефон шахарлараро ва халқаро сўзлашувларга чиқиш банди(8)сиз ишлатиб кўйилади.

4.9. Ҳар ойнинг 1-чи куни ҳолатида дебитор қарздорлик мавжуд бўлса, «Оператор» қарздорлик суммасининг 0,1% миқдорда тўловнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун, бу қарздорлик тўлиқ ундириб олингунча қадар пеня ҳисоблайди.

4.10. Абонентнинг айби билан телефон ёки бошқа охириги қурилма ишламаган пайтда улардан фойдаланиш бўйича абонент тўловлари тўлиқ миқдорда ундириб олинади.

4.11. Халқаро ва шахарлараро автоматик телефон алоқасидан фойдаланилганда, тўланиши лозим бўлган сўзлашув вақти сўзлашув бошланган вақтдан ҳисобга олинади. Телефонга уланган бирор бир техник ускуна (факс, автоматик жавоб берувчи, рақамли аниқловчи ва ҳоказолар) билан сўзлашув амалга оширилганда тўланиши лозим бўлган сўзлашув вақти ана шу ускуналар ишга тушган пайтдан бошлаб ҳисобга олинади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

Низоларни ҳал этиш чоғида томонлар ўзаро келишувга биноан иш тутадилар.

Томонлар ўзаро келиша олмаган ҳолларда, низолар иқтисодий судда ҳал этилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Ушбу шартнома шартларини томонлар бажармаган тақдирда уларнинг масъулияти Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекси», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонуни, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари» ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа бир қатор амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ томонларнинг жавобгарликлари кўриб чиқилади.

7. ФОРС-МАЖОР

Томонларнинг хоҳиш-истағига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (табiiий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароитлари, ҳукумат чора-тадбирлари, ҳокимият идоралари қарорлари, ҳарбий тўқнашувлар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолатларда) томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари ушбу шартномани ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди, томонларнинг шартномани бажариш муддатлари юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бартараф этиб бўлингунча қадар кейинга сурилади.

Форс-мажор ҳолатларига таяниб иш кўрувчи томон ваколатли давлат органининг тасдиқланган тегишли ҳужжатини тақдим этиши керак. —

8. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

Қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидagina ҳаққонийдир.

Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта илобатта олингани зарур.

8.1. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, «Қоидалар»да ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Ушбу шартнома имзолангандан сунг 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

9.2. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
 - томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган тақдирда;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

9.3. Мазкур шартнома икки нусxada тузилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

10. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

10.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Бюджет кодекси» нинг қонунинг 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олинishi шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Оператор»

Ўзбектелеком АК Бухоро филиали

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Бухоро ш.И. Муминов 2

Тел./факс

х/в 20210000804074838412

Банк номи алоқа банк Бухоро филиали

МФО 00401

«Абонент»

Когон туман Тиббиёт бирлашмаси

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Когон шаҳар Дустлик 50 уй

Тел./факс 524 71 91

х/в

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 201172896

ОКОНХ 91511



Банкинг номи: Тошкент шах5р Марказий банкинг
ХКМ

МФО: 00014

Ҳазначилик бўлими СТИРи: 201122919

Рахбар Н. Шарифов
(Ф.И.Ш)

Рахбар Ф.К. Азидов
(лавозим) (Ф.И.Ш)

М.Ў





**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
BUXORO VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
KOGON TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

200700, Kogon shahar, Amir Temur ko'chasi, 3-uy,
tel.: (998 91 447-40-70) , el.pochta: kogontyurmarkaz@adliya.uz

2022-yil 11-yanvar

Kogon tuman Tibbiyot birlashmasiga

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

- 1.Loyihaning turi: Shartnoma.
- 2.Loyihaning nomi.

Kogon tuman Tibbiyot birlashmasi hamda Uzbektelekom AK o'rtasida tuzilgan yuridik shaxslar va yuridik shaxs maqomiga ega bo'lmagan tadbirkorlarga telefon aloqasi xizmatlarini ko'rsatish to'g'risidagi №4-sonli shartnoma loyihasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Kogon tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan va 11-yanvar 2022-yilda markazga kiritilgan.

Loyiha "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining 670-I-sonli qonuni va boshqa qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Kogon tuman Yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti**



Sh.Sharipov